


IV. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2019 йилнинг январь-июнида 10763 та янги кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва дехқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 мартаға кўп демакдир.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (жамига нисбатан 45,9 %), саноат тармоғида (16,4 %), қурилиш тармоғида (8,8 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар тармоғида (6,1 %), ташиш ва сақлашда (3,3 %) ташкил этилган.

2019 йил январь-июнь ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, фоизда



2019 йилнинг январь–июнида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан:

- саноат махсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 16124,8 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг индекси 66,0 %) ни ташкил қиласди;
- 8089,1 млрд.сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 44,7 %) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь–июнига нисбатан ўсиш суръати 63,5 % ташкил қиласди;
- 5722,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 76,4 %) ва 2018 йилнинг январь–июнига нисбатан ўсиш суръати 51,0 % ни ташкил қиласди;
- 13024,9 млрд.сўмлик хизматлар кўрсатилиб (жами хизматлар ҳажмининг 46,8 %) 2019 йилнинг январь–июнига нисбатан ўсиш суръати 81,6 % ни ташкил қиласди;
- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 73,9 % ёки 4510,6 млрд. сўми (ўсиш суръати 101,3 % ташкил қиласди) шакллантирилди;

– 249,5 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 20,2 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, бу эса 2018 йилга нисбатан 317,8 млн. АҚШ долларига ёки 78,5 % га кам;

– автомобиль транспорти юк айланмасининг 102,7 % га (жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 66,8 %) кўпайиши таъминланди;


– йўловчи айланмаси эса 103,2 % га (умумий йўловчи айланмасининг 77,9 %) кўпайиши таъминланди;

Кичик тадбиркорликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлардаги улуши


(умумий ҳажмига нисбатан млрд.сўмда)

Худудлар бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Яшнобод тумани (2064,1 млрд.сўм), Олмазор тумани (1972,7 млрд.сўм), Сергели тумани (182,3 млрд.сўм) ва Бектемир тумани (1742,2 млрд.сўм) хиссасига тўғри келади. Учтепа туманида (1170,6 млрд.сўм), Яккасарой туманида (1121,4 млрд.сўм), Мирзо-Улугбек туманида (1071,2 млрд.сўм) ва Миробод туманида (934,4 млрд.сўм) ушбу саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

2019 йил январь-июнида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати фоизда




2019 йил январь-июнида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати



Худудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Чилонзор тумани

(1809,6 млрд.сўм), Юнусобод (1744,6 млрд.сўм), Шайхонтохур (1540,7 млрд.сўм), Учтепа (1462,5 млрд.сўм) ва Бектемир (1302,7 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.


2019 йил январь-июнида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да қурилиш соҳаси улуши



Худудлар бўйича энг кўпроқ қурилиш соҳаси улуши ҳажми Мирзо Улугбек тумани (707,1 млрд.сўм), Яккасарой тумани (686,2 млрд.сўм), Миробод тумани (673,5 млрд.сўм) ва Юнусобод тумани (635,8 млрд.сўм) Шайхонтохур туманида (608,0 млрд.сўм), Олмазор туманида (577,5 млрд.сўм) ҳиссасига тўғри келади.

Яшнобод туманида (558,5 млрд.сўм) Сергели туманида (477,3 млрд.сўм) Чилонзор туманида (458,6 млрд.сўм) Учтепа туманида (253,5 млрд.сўм) ва Бектемир туманида (86,6 млрд.сўм) ушбу қурилиш соҳаси ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

2019 йил январь-июнида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да инвестиция соҳаси улуши




Худудлар бўйича энг кўпроқ инвестиция соҳаси улуши ҳажми Юнусобод тумани (1363,3 млрд.сўм), Миробод тумани (1015,1 млрд.сўм), Мирзо Улугбек тумани

(980,5 млрд.сўм) ва Чилонзор тумани (929,7 млрд.сўм) Яшнобод туманида (838,2 млрд.сўм), Олмазор туманида (737,3 млрд.сўм) ҳиссасига тўғри келади.

Яккасарой туманида (520,2 млрд.сўм) Шайхонтоҳур туманида (519,2 млрд.сўм) Сергели туманида (482,1 млрд.сўм) Бектемир туманида (401,8 млрд.сўм) ва Учтепа туманида (301,8 млрд.сўм) ушбу инвестиция соҳаси ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

2019 йил январь-июнида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати



Ҳудудлар бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Шайхонтоҳур туманида (1567,9 млрд.сўм), Мирзо Улугбек (1520,0 млрд.сўм), Юнусобод (1496,6 млрд.сўм), Чилонзор (1463,7 млрд.сўм) ва Миробод (1271,1 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2019 йил январь-июнида кичик тадбиркорликнинг худудлар ва асосий тармоқлар бўйича улуши, фоизда

	<i>Саноат</i>	<i>Курилиш</i>	<i>Хизматлар</i>	<i>Чакана савдо</i>
Тошкент шаҳри	66,0	76,4	46,8	73,9
<i>туманлар:</i>				
Бектемир	71,1	38,3	94,5	95,8
Мирзо Улугбек	42,2	73,1	51,4	75,9
Миробод	26,7	58,7	30,3	74,2
Олмазор	88,6	93,1	69,1	63,9
Сергели	79,2	98,6	44,7	73,0
Учтепа	88,3	99,0	82,7	89,3
Чилонзор	86,1	73,2	51,8	61,2
Шайхонтоҳур	55,8	71,8	52,2	74,5
Юнусобод	87,5	64,3	30,7	86,0
Яккасарой	82,9	96,9	69,1	48,7
Яшнобод	67,4	89,7	33,4	72,5

Худудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улушкини Олмазор туманида (88,6 %), Учтепа туманида (88,3 %), Юнусобод туманида (87,5 %), ташкил этади.

Курилишда Учтепа (99,0 %), Сергели (98,6 %), Яккасарой (96,9 %), туманлари ташкил этади.

Хизматлар соҳасида Бектемир (94,5 %), Учтепа (82,7 %) ва Олмазор (69,1 %) туманлари ташкил этади.

Чакана савдо айланмасида Бектемир (95,8 %), Учтепа (89,3 %) ва Юнусобод (86,0 %) туманлари ташкил этади.


2019 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорликнинг ЯҲМ даги улуси 62,2 % ни ташкил қилди (2018 йилнинг январь-июнида 64,3 %). ЯҲМ таркибида пасайиши йирик корхоналар улуси ошиши билан тушунтирилади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2019 йил январь-июнь ойлари якунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Унда 600 дан ортиқ респондентлар иштирок этди.

Кузатув маълумотлари таҳлили, қурилиш соҳасида респондентларнинг 27,8 % иқтисодий вазиятни – қулай ва 64,8 % эса қониқарли деб ҳисоблашини, мос равища савдо соҳасида 20,8 % ва 71,9 %, хизматлар соҳасида 14,4 % ва 74,6 %, саноатда 17,2 % ва 70,7 % ни ташкил қилганини кўрсатди.


Жорий иқтисодий вазиятга пессимистик рухда ёндашганлар саноатда 12,1%, қурилишда 7,4 %, хизматларда 11,0 % ва савдода 7,3 % ни ташкил қилди.

**Кичик тадбиркорликда иқтисодий вазиятни тармоқлар кесимида баҳолаш
2019 йил январь-июнь учун, фоизда**



Иқтисодий вазият яқин уч ойда саноат корхоналари яхшиланиши 56,6 %, ўзгаришсиз 36,6 % ни, ёмонлашиш эса 7,1 % ни, савдо – яхшиланиш 63,5 %, ўзгаришсиз 31,2 %, ёмонлашиш 5,4 %, хизматларда яхшиланиш 65,2 %, ўзгаришсиз 26,0 %, ёмонлашиш 8,8 %, ва қурилиш тармоғыда яхшиланиш 77,8 %, ўзгаришсиз 18,5 %, ёмонлашиш 3,7 % кутилмоқда.

Кичик тадбиркорлик (бизнес)да иқтисодий вазиятнинг ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши, фоизда



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес мухитини яхшилаш учун кўрилаётган чора тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хulosса қилиш мумкин.